

# ЯНГИ ҲАЁТ УЧУН, ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН УЧУН!

Тирик, мағур, ҳақ сўз қуролимиз бўлсин!



Ватан ягонаидир,  
Ватан биттадир

2023 йил—Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили

Ассалому алайкум, азиз муштари!

# ISTIQBOL YO'LI

Кўштепа туманинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

1943 йил 6 марта бошлаган

[www.istiqbolyuli.uz](http://www.istiqbolyuli.uz)

[istiqbol.43@mail.uz](mailto:istiqbol.43@mail.uz)

2023 йил 18 ноябр № 43 (8485)

## Муҳим аҳборотлар

Президентимиз Ш. Мирзиёев  
расмийлигида пахта-тўқимачи-  
лик кластерлари фаолиятини  
янада таомиллаштириши,  
қишлоқ ҳўжалиги тармоқла-  
рида келгуси йилда амалга  
ошириладиган устувор вази-  
фалар юзасидан видеоселек-  
тор йигилиши ўтказилди.  
\*\*\*

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти Шавкат Мирзи-  
ёвнинг таклифига биноан  
Италия Республикаси Прези-  
денти Сержо Маттарелла  
расмий ташриф билан Ўзбе-  
кистонда бўлди.

\*\*\*

Қозогистоннинг Туркiston  
шаҳрида ташкил этилган II  
Туркӣ давлатлар универси-  
адаси якунланди. Унда Ўз-  
бекистон делегацияси 15 та  
олтин, 11 та кумуш, 10 та  
бронза, жами 36 медални қўл-  
га киритиб, умумжамоа ҳисобида  
биринчи ўринни эгаллади.  
\*\*\*

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг «Тиббиёт  
ходимлари куни муносабати  
билан соҳа ходимларидан бир  
гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»  
га Фармони эълон қилин-  
ди  
\*\*\*

Самарқанд шаҳридаги Кон-  
гресс марказида Бирлашган  
Миллатлар Ташкилотининг  
Ҷўлланишга қарши кураш  
тўғрисидаги конвенциясининг  
(UNCCD) бажарилишини кўриб  
чиқиши қўймитасининг 21-сесси-  
яси (CRIC21) бўлиб ўтди.  
\*\*\*

Юртбошимиз «Аҳолини  
кичик ва ўрта бизнесга кенг  
жалб қилишининг қўшимча чо-  
ра-тадбирлари тўғрисида»  
га қарорни қабул қилди.  
\*\*\*

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти «Навоий кон-металлургия комбинати» акци-  
ядорлик жамияти ташкил  
етилганинг 65 йиллиги мун-  
носабати билан ишлаб чиқа-  
риш илгорларидан бир гуруҳи-  
ни мукофотлаш тўғрисида»  
га  
Фармонга имзо чекди.

18 ноябр – Ўзбекистон Республикаси давлат байроғи қабул қилинган кун



## ДАВЛАТИМИЗ РАМЗИГА ЭХТИРОМ

Қийқи маҳалласидаги Маданият марказида Ўзбекистон  
Республикаси Давлат байроғи қабул қилинган куннинг 32  
йиллиги муносабати билан маънавий-маърифий тадбир  
бўлиб ўтди. Тадбирда сектор раҳбарлари, туман ҳокимининг  
ўринбосарлари, меҳнат фахрийлари, ҳарбийлар, ҳуқук-тар-  
тибот идоралари ходимлари, шунингдек, кенг жамоатчилик  
вакиллари ва ёшлар иштирок этиши.

Дастлаб байрам иштирокчилари ва барча қўштепаликларни  
туман ҳокими Илёсбек Новиков кутлуғ кун билан табриклида-  
ди.

Тадбир давомида вилоят ҳокимлиги, мактабгача ва мактаб  
таълими бошқармаси ҳамда Vodiy1.uz нашри ҳамкорликда  
18 ноябр-Давлат байроғи қабул қилинган кун муносабати  
билан мактаб ўқувчилари ўртасида «Байроғим – фахрим,  
ғурурим» шиори остида ўтказган видеороликлар танлови-  
да иштирок этиб, вилоятда фахрли 3-ўринни қўлга кирит-  
ганлиги учун 37-умумий ўрта таълим мактабининг 2-“А”  
синф ўқувчиси Мехрангиз Абдумўминова туман ҳокимининг  
Фахрий ёрлиги ва эсадалик совғаси билан тақдирланди (сурат-  
тада).

Шундан сўнг қутлуғ санага бағишлиланган театрлашган му-  
сиқий дастур намойиш этилди. Унда туман маданият бўлими-  
нинг хушовоз хонандалари томонидан

## Ватан муҳаббати битилган байроқ

Ҳилпира самода абадул-абад,  
Сенингла тириқман, тириқ Истиқол.  
Миллатим руҳисан, ўзлиги, шони,  
Сен билан юртимда мангу баҳт-иқбол.  
Мовий-оқ-яшилга бурканган Байроқ,  
Хуррият ишқида тобланган Байроқ!

Аксингда тириқлик мазмуни - осмон,  
Ғоянгdir тинчликни ёймоқ, рамз этмоқ.  
Табиат – яралмоқ нақши сатҳингдэ,  
Элнинг жўшган қони – мисли жуфт ирмоқ.  
Кимлигим, ўтмишам сўзловчи Байроқ,  
Нурли келаజакни кўзловчи Байроқ!

Халқиминг орисан, эътиқодисан,  
Бошингеда навқирон ярим ой – Ҳилол.  
Ўн икки юлдузинг порласин мудом,  
Айласин жаҳонни саодатинг лол.  
Мустақил бўлгунча кутилган Байроқ,  
Ватан муҳаббати битилган Байроқ!

Анвар ИКРОМ



ватанимизни мадҳ этувчи куй-қўшиқлар  
янгради.

Ёрқиной ҚОСИМОВА,  
Бахтиёржон РЎЗИОХУНОВ

## Мутахассислар минбари

Мўътадил иқлим минтақасида фер-  
мерлар учун ҳам, деҳқонлар учун  
ҳам моддий неъмат яратиш манбай  
сув хисобланади. Чунки ҳар қандай  
экинни ўстириш, ундан мўл-кўл  
хосил олиш учун албатта биринчи  
навбатда сув зарур бўлади. Бежиз  
бу неъматни обиҳаёт деб атамаймиз.  
Ҳаётимизни сувсиз тасаввур этиш  
мумкин эмас, албатта.

Ҳозирги даврда бутун дунёда сув  
ресурсларидан оқилона фойдаланиш  
борасида илмий-амалий ишлар олиб  
борилмоқда. Ривожланган давлатлар  
тажрибалари ўрганилиб, амалиётга  
жорий қилинаётir. Кўшини давлат-  
лар билан манбаатли битимлар ту-  
зилиб, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар  
қабул қилиниб, ижрога қаратилипти.  
Ўзбекистон Республикаси Президен-

## СУВ-БЕБАҲО НЕЪМАТ



тининг 2022 йил 1 марта «Қуйи  
бўғинда сув ресурсларини бошқа-  
ришни таомиллаштириш ҳамда сув  
истеъмолчилари орасидаги муноса-  
батларни тартибга солиш чора-тад-  
бирлари тўғрисида»  
га қарори ҳам  
бу борадаги меъёрларни белгилаб  
берди.

Мазкур қарорда сув ресурсларини  
самарали бошқариш, уларнинг ҳисоби  
ва ҳисоботини тўлақонли юри-  
тиш, сув истеъмолчилари орасидаги  
муносабатларни таомиллаштириш  
ҳамда ушбу жараёнларга хусусий  
секторни кенг жалб қилишга алоҳи-  
да эътибор қаратилди. Қарорда  
қишлоқ ҳўжалиги маҳсулоти ишлаб  
чиқарувчилар ва аҳоли томорқала-  
рини сув ресурслари билан ишончли  
таъминлаш, ирригация тизимлари  
ва суфориш тармоқларининг ҳамда  
улардаги гидротехника иншоатлари-  
ни доимий техник соз ҳолатда ушлаб  
туриш зарурлиги белгилаб қўйилди.  
Меъёрий ҳужжатда йирин қишлоқ  
ҳўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқарув-  
чиларни ўз худудида сувни бошқа-  
риш ва тақсимлаш ишларига жалб

УШБУ

2

\* Энг катта бойлик  
посбонлигида  
  
\* Кафолатланган  
ижтимоий ҳимоя

СОНДА:

3

\* Мутахассислар  
минбари  
  
\* 1-декабр – Халқаро  
ОИТСга қарши кураш куни

4

\* Маънавият  
Ҳадислар  
\* Аҳли дониш дейдиларки...  
\* Мирзо Улугбек

# ЭНГ КАТТА БОЙЛИК ПОСБОНИЛГИДА

Одамзод яралганидан бери бу оламда саломатлиқдан қиммат-лироқ неъмат йўқ. Соғлик инсон камолотининг асоси, унинг жамиятдаги ўрнини белгиловчи бош мезондир. Мамлакатимизда ҳар йили ноябр ойида Тиббиёт ходимлари куни кенг нишонланиши касб эгаларига ўзига хос эътибор ва эҳтиромдандир. Зотан, эл саломатлигининг посбони бўлишдек муқаддас бурч ҳар бир оқ ҳалатли ҳамкасбимизни куну тун ҳозирни нозир бўлишга, давр билан қадам-бақадам изланишга сафарбар этади. Бугун мазкур байрам асносида кўрсатилаётган эҳтиром ҳар бир тиббиёт ходимини янада руҳлантириши, инсон саломатлигига ташки дунёдан таҳдидлар кучайган, у ёки бу маънода коррупцион холатлар кузатилаётган ҳозирги мураккаб даврда жасорат ва матонат кўрсатиб меҳнат қилишга ундаши тайин.

Шундай кунда мамлакатимизда охирги йилларда тиббиёт тизими ни такомиллаштириш, ҳалқимиз учун илғор ва сифатли тиббий хизматни ташкил этиш борасида кенг кўламили ислоҳотлар амалга оширилаётганини алоҳида таъкидлаш зарур. Узбекистон Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг фаол аъзоси сифатида истиқболли лойиҳаларни амалга ошириб келяпти. Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом овқатланиш ҳамда юқумли ва юқумли бўлмаган касалликларнинг олдини олиш каби ўйналишларни қамраб олган лойиҳалар шу жумладандир. Албатта, соҳага татбиқ этилган янгиликлар ва бу янгиланишлар пироваридаги ижобий ўзгаришлар туманимиз тиббиётиди, қолаверса, қўштепаликлар ҳаётида ўз аксини



топмоқда.

Юртбошимиз Ш. Мирзиёев томонидан аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, айниқса, жисмонан соғлом ва маънан етук авлодни улғайтириш масаласига устувор вазифа сифатида эътибор қаратилаётганини айтиш керак. Президентимизнинг тегишли қарорлардаги кўрсатмаларига биноан бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятини ташкил этишни янада такомиллаштиришга доир ишлар жадал бажариб келинмоқда. Хусусан, 16 та ҚВП мақбуллаштирилиб, 4 та ҚВП негизида қишлоқ оиласи таркибида 400,0 миллион сўм маблағ сарфланиб, мукаммал таъмирланди. Туманимиздаги 8 та ҳудудда аҳолини арzon дори-дармон билан таъминлаш мақсадида ижтимоий дорихоналар очилиб, аҳолига хизмат кўрсатиб келмоқда.

Инвестицион дастур асносида ту-

мандаги стоматология поликлиникасида 930 миллион, Эшонгузар қишлоғидаги 85-сонли қишлоқ оиласи таркибида 825 миллион сўм маблағ сарфланиб, мукаммал таъмирланди. Туманимиздаги 8 та ҳудудда аҳолини арzon дори-дармон билан таъминлаш мақсадида ижтимоий дорихоналар очилиб, аҳолига хизмат кўрсатиб келмоқда.

Жорий йилда Ўқчи оиласи шифокор пункти "Ташаббусли бюджет"нинг 1,2 миллиард, 96-оиласи таркибида 400,0 миллион сўм маблағ хисобидан таъмирдан чиқарилди. Лангар шифохонаси замонавий дифиблиятор ва ИВЭЛ аппарајлари билан таъминланди. Бешкапа, Узбекистон, Солижонобод, Ўқчи шифокор пунктларининг моддий техника базалари тўлиқ янгиланди. Солижонобод шифокор пунктида замонавий жиҳозланган стоматология

кабинети ташкил қилинди. Туман кўп тармоқли поликлиникасидағи "Аёллар маслаҳатхонаси" саратон касаллигини эрта аниқлайдиган замонавий аппаратлар билан таъминланди. Келгусида 12,0 миллион сўм маблағ ҳисобига лопороскоп аппаратини олиб келиш режалаштирилган. Шунингдек, түргуқ ва кўп тармоқли поликлиникалар жорий таъмирдан чиқарилиб, иссиқлик тизимлари янгиланди.

Бугун туманимизда секторлар кесимида амалга оширилган эзгу ишларда, фуқаролардан тушаётган тиббиётга алқадор мурожаатларнинг ҳал қилинишида ҳам шифокорлар ҳамда патронаж ҳамширавларнинг ўрни бекиёс эканлигини эътироф этилмоқда. Улар халқ билан бирга бўлиб, хонадонларга тиббий маданиятни, соғлом турмуш тарзини олиб киришлари натижасида одамларнинг дардига шифо, кўнглига малҳам бўлаётлар.

Касб байрами муносабати билан барча шифокор ва ҳамширавларни, тиббиёт ходимларини муборакбод этиб, шарафли ва айни пайтда машақатли меҳнатларида зафарлар, мустаҳкам саломатлик, оиласи таркибида 400,0 миллион сўм маблағ сарфланиб, мукаммал таъмирланди. Беморларни нафақат дори-дармон, балки ширин сўз ва меҳр билан дардан фориф этивчи сиздек жонкуяр, фидокор инсонларнинг бор тажриба, билим ва салоҳиятини инсон саломатлигини мустаҳкамлашдек хайрли ишга баҳш этишига ишонаман. Ҳалқимизнинг саломатликдек энг катта бойлигини муҳофаза этишда куч-куват, жонкуярлик тилайман.

**Ойбек МУРОДОВ,**  
**туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи.**

## КАФОЛАТЛАНГАН ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ инсонпарвар ислоҳотлар асосидан

Инсонга эътибор устувор вазифага айланган мамлакатимизда сўнгги йилларда давлат томонидан фуқароларга ижтимоий хизмат кўрсатиш кўлами ва турларини кенгайтириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Президентимизнинг 2023 йил 1 июндаги "Аҳолига сифатли ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиши ҳамда унинг самарали назорат тизимини йўлга қўйиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида" ги Фармони бу борадаги амалий ишларга дастуриламал бўлиб хизмат қўлмоқда.

Фармонга асосан Узбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ҳамда туман ва шаҳарларда «Инсон» ижтимоий хизматлар марказлари ташкил этилди. Шу билан бирга, соҳага доир қатор вазифа ва функциялар белгилаб берилди. Хусусан, фармон ижросини таъминлаш мақсадида туманимизда ижтимоий ҳимояни маҳалла даражасигача ташкил этиши, оғир ҳаётий ахволга тушиб қолган аҳолига индивидуал ёндашувга мувофиқ ижтимоий хизмат ва ёрдамлар кўрсатиш бўйича тизимли ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Жорий йилда "маҳалла бешлиги" томонидан хонадонбай ўтказилган хатловлар натижасига кўра туманимизда ижтимоий ҳимояга мухтож, якка-ёлғиз ва ногиронлиги бўлган ҳамда ёлғиз яшовчи ва



ногиронлиги бўлган 121 нафар фуқаро аниқланган бўлиб, марказ томонидан уларга ижтимоий хизмат ҳамда ёрдамлар кўрсатиб келинмоқда. Бугунги кунда бизнинг «Инсон» ижтимоий хизматлар марказимиз томонидан ногиронлиги бўлган 40 нафар фуқарога проз-ортопедия буюмлари ва реабилитациянинг техник воситаларини олишда кўмаклашилди. Шунингдек, 4 нафар ёлғиз кекса ва ногиронлиги бўлган фуқаролар хонадони таъмирлаб берилди ҳамда 74 нафар нафакадаги ва ногиронлиги бўлган шахсларга Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги тизими-

даги сиҳатгоҳларда бепул соғломлаштириш учун йўлланмалар берилди. "Ижтимоий қўллаб-қувватлаш комиссияси"нинг ўрганиш хуносасига кўра, санаторияларда соғломлаштирилган ҳамда оиласи таркибида ўзгариш аниқланган 50 нафар якка-ёлғиз ва ногиронлиги бўлган ҳамда ёлғиз яшовчи ва ногиронлиги бўлган фуқаролар шахсий рўйхатдан чиқарилди.

Мехнатга лаёқатсиз ва ёлғиз кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд бошқа тоифаларининг ҳуқуқлари давлат ҳимоясида бўлиши янгиланган Конституциямизда кафолатлангани юртимизда айни соҳада амалга оширилаётган инсонпарвар ислоҳотларга замин бўлаётir.

Шундай экан, тизимни ривожлантириш инсон қадри ҳар нарсадан улуғ, деган эзгу foяни ҳаётга татбиқ этиши ва бунинг пироваридида юл-юрт фаровонлигини таъминлашнинг муҳим шартидир.

**Зуҳриддин ТУРДИЕВ,**  
**туман "Инсон" ижтимоий хизматлар маркази директори.**

Обуна-2024

## "ИСТИҚБОЛ ЙЎЛИ" ГА ОБУНА БЎЛДИНГИЗМИ?



### АЗИЗ МУШТАРИЙ!

Хабарингиз бор, Сизга қулагиллик яратишни ҳамда газетани ўз вақтида олишингизни кўзлаб "Истиқбол йўли" муҳарририяти газета обунасини таҳририят

билан тузилган шартнома орқали расмийлаштиради ва етказилишини таъминлайди. Шартномада обуна маблағи корхона, ташкилот ва муассасаларда фаолият кўрсатадётган ходимнинг розилиги билан таҳририят хисоб рақамига шу йил охири ва келгуси йилнинг биринчи ярим йиллигидаги ўтказиб берилиши назарда тутилган. Шу кунларда шартномалар расмийлаштирилмоқда.

Обуна, шунингдек, Узбекистон почтаси" АЖ Фарғона филиали Қўштепа бўлими орқали ҳам расмийлаштирилиши мумкин.

Қадрдан муштарий, яратиб берилган қулаг имкониятдан фойдаланинг. Газетамизнинг бир йиллик обуна баҳоси-180 минг сўм.

### ТАҲРИРИЯТНИНГ ҲИСОБ РАҶАМИ:

**Марказий банк Тошкент ХКМ**

**Ҳ/Р: 23402000300100001010**

**МФО: 00014 ИНН: 201122919**

**ШҲР:**

**470010860302067011204018001**

**ИНН: 200178144**

**ОКОНХ: 19400,**

**тел: 55-801-17-54**

**МУҲАРРИРИЯТ**

## СУВ-БЕБАҲО НЕЙМАТ

қилиш, иктиносидёт тармоқларини сув билан таъминлашга оид давлат функцияларини хусусий секторга ўтказиш бўйича давлат-хусусий шериклик тамойилларини кенг жорий этиш, сувнинг ҳисоби ва хисоботини инсон омилига минимал равиша боғлиқ бўлган автоматлаштирилан тизимлар орқали юритиш қўйи бўғинда сув ресурсларини бошқаришнинг устувор йўналишлари этиб белгиланган.

Сув хўжалиги, Қишлоқ хўжалиги вазирликлари, Ўзбекистон фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳамда вилоятлар ҳокимликларининг қишлоқ хўжалиги суфориладиган ерларида фаолият кўрсатадиган сув истеъмолчилари ва туман ирригация бўлимлари ўртасида сув етказиб бериш ва сув хўжалиги хизматларини кўрсатиш бўйича тўғридан тўғри шартнома тузиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилган.

Ушбу қарорга асосан, 2022 йилдан бўён тумандаги пахта-фалла, боғдорчилик ва бошқа йўналишдаги фермер хўжаликлари, томорқа ер эгалари ва бошқа сув истеъмолчилари билан туман ирригация бўлими ўртасида тўғридан тўғри шартномалар тузилиб, зарур хизматлар кўрсатиб келинмоқда.



Ҳар бир тузилажак шартнома лойиҳалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 июндаги «Давлат органлари ва ташкилотларига юридик хизмат кўрсатиш фаолиятини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан, туман адлия бўлими юридик хизмат кўрсатиш маркази ходимлари томонидан хуқуқий экспертизадан ўтказилади. Экспертизадан ўтказилган ва ижобий хулоса берилган шартнома лойиҳалари имзолангандан сўнггина ижрога қаратилмоқда. Бу шартнома тарафларнинг хуқуқ ва мажбуриятлари қонуний тартибга солинганинига далолатdir.

Мақсадимиз ҳётимизнинг бебаҳо манбаи бўлган сувдан тўғри ва самарали фойдаланиш асносида дехқончилик ҳамда хуқуқий маданиятни юксалтириш, исрофгарчилкнинг олдини олиш, мўл-кўлчиликка муносаб ҳисса кўшишdir.

**А. РАҲИМОВ,**  
туман ирригация бўлими бошлиғи.  
**Г. МУЙДИНОВ,**  
туман адлия бўлими юридик хизмат кўрсатиш  
маркази бош юрисконсулти.

**1 декабр—Халқаро ОИТСга қарши кураш куни**

Бутун дунё аҳолисини ташвишга солиб келаётган ОИТС касаллиги, қарши кураш чоралари қанчалар кучайтирилмасин, айни даврда инсониятга таҳдид солаётган энг долзарб муаммолардан бирилигича қолмоқда. Зеро, бу касаллик одамзодга ҳам моддий, ҳам маънавий зарар келтиради. Энг ачинарлиси, у инсон ҳаётига нуқта қўйиши билан бирга, бошқалар учун ҳам хавфлидир. Касалликнинг хавф даражасидан келиб чиқиб, Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан ҳар йили 1 декабр санаси «Халқаро ОИТСга қарши кураш куни» деб белгиланган.

Орттирилган иммунитет танқислиги синдроми касаллигининг вируси асосан инсоннинг касалликларга қарши курашувчи (иммун) тизимини зарарлайди. ОИВни юқтириб олиш асосан касалликка чалинган бемор билан ҳимояланмасдан яқин алоқада бўлганда, текширилмаган қон ва унинг маҳсулотлари қўйилганда, тозаланмаган ва етарли стерилланмаган ўтқир инструментлар (соқол олиш асбоби, татуировка ва инъекция ниналари кабилар)дан фойдаланилганда юз беради. Шунингдек,

ОИТСга чалинган ҳомиладор онадан ҳомилага, туғиши ва эмизикил вақтида чақалоққа ўтади.

Касаллик асосан пала-партиш жинсий ҳаёт кечириувчилар, гиёхванд моддани томир орқали қабул қиливчи шахслар ва енгилтабиат эркак ва аёлларда кузатилади. Бундай шахслар тиббиёт нуқтаи назаридан хавфли гурухлар деб аталади.

ОИТС касаллигининг нечоғлик даражада хавфли эканлиги, унинг оғир асоратлари ҳамда касалликнинг олдини олишда ахлоқ-одоб, тарбиянинг роли тўғрисида аҳолининг, энг асосиси, мамлакатимиз келажагини белгиловчи ёшларни боҳабар қилиши, тиббий саводхонлигини ошириш асосий вазифамиз ҳисобланади. Шундай экан, бу хасталик фақат тиббиёт соҳасининг муаммоси бўлибигина қолмай, режали чора-тадбирлар

давлат ташкилотлари, идоралар, тегиши вазирликлар, ҳалқаро ва нодавлат ташкилотлар ҳамда оммавий ахборот воситалари, шунингдек, аҳоли гурухлари билан биргаликда олиб борилиши талаб этилади.

ОИВ билан зарарланган беморда ташки белгилар кузатилмайди, инсон ўзини соғлом хис этиши мумкин. Баъзи бир вирус юқтирган инсонларда заарланишнинг биринчи хафтасида шамоллаш ёки ангини белгилари намоён бўлади.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан аҳолининг шахси сир сақланган холатда (ҳуфиёна) текширириш мақсадида жойларда маҳсус “Ишонч пунктлари” ташкил қилинган. Агарда кишида бир неча ҳафта ичидаги ҳароратининг сабабсиз кўтарилиши,

## ЁНФИННИГ ОЛДИНИ ОЛИШ ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

Хозирги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган иктиносидой-ижтимоий ислоҳотлар туфайли барча ҳудудларда турар жой бинолари, маъмурий идоралар, жамоат бинолари кўплаб қурилаётir. Юртимиз ободлиги, турмушимиз фаровонлигига замин бўлаётган бундай бунёдкорлик ишлари йилдан-йилга кенг қулоч ёймоқда. Лекин шуни унутмаслик керакки, бу жараёнларда хавфсизлик қоидаларига жиддий эътибор қаратиш жуда муҳим. Зеро, қурилиш объектларида ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилмаслик—қурилиши туғалланмаган биноларда ўт балоси хавфини келтириб чиқармайди, деб ҳеч ким кафолат берга олмайди.

Бунёдкорлик ишларини олиб боришида қурилиш майдонларида қўйидаги ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш талаб этилади:

-қурилиш материалларининг пала-партиш маҳсус техникаларнинг ҳаракатланиш йўлларига тўқилишига ва берқитиб кўйилишига йўл қўйманг;

-пайвандлаш ишларини соз ҳолатда бўлган, ҳар томони ёпиқ ва электр кабелларининг очик жойлари изоляция қилинган ускуналарда олиб боринг;

-ишчиларнинг вақтинча яшаш вагонларида қўлблала, носоз электр иситиш қурилмаларидан ҳамда қаттиқ ёқилғида ишлатиладиган иситиш печларидан фойдаланишга йўл қўйманг;

-юқори кучланишили электр шилларига ҳимоя қобиқлари изоляция қи-

линмаган вақтинчалик услубдаги электр сим ва кабелларини улаб фойдаланманг;

-вагонларга тўғридан-тўғри юқори кучланишили электр узатичлар орқали вақтнинчалик электр симларини уламанг;

-вақтинчада яшаш жойларда тамаки чекилишига ва ҳар хил тез ёнувчи нефт маҳсулотларидан фойдаланишишга йўл қўйманг;

-қурилиш майдонига ўт болалар ва қурилиш ишларига даҳлдор бўлмаган бошқа шахслар кириши тақиқланишини унутманг;

-қурилиш масканларида бирламчи ёнғин ўчириш воситалари ва ёнғинга қарши сув манбаларининг тўлиқ соз ҳолатда бўлишини таъминланг;

-бирламчи ёнғин ўчириш воситаларидан қурилишда ва бошқа хўжалик ишларига фойдаланманг;

-ёнғин содир бўлганда дарҳол 101 рақамига хабар беринг.

Модомики, сўз ёнғин хавфсизлиги ҳақида борар экан, қиши остонода турган шу кунларда иситиш мосламаларидан фойдаланиш борасидаги хавфсизлик чораларини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиздир. Зеро, совуқ мавсумда газ-ҳаво аралашмасининг чақнаши оқибатида ёнғин



келиб чиқиши ҳолатлари жуда кўп кузатилади. Олов оғатининг олдини олиш учун носоз иситиш мосламаларидан фойдаланмаслик, газ баллонларини иссиқлик манбаига яқин жойда қолдирмаслик, агарда бинода газ ҳиди сезилса, ойна ва эшикларни зудлик билан очиш, кўчага чиқиш ва 104 рақами орқали газ хўжалиги авария-диспетчерлик хизмати ёки 1050 рақами бўйича қутқарув хизматига ќўнғироқ қилиш керак. Бундай ҳолатларда чироқ, олов ёкиш, электр ускуналарини ишга тушириш тақиқланади.

Унутмайлик, оддийгина қоидаларга амал қилиш билан ўт балосидан сақланиш мумкин. Бу эса сиз ва яқинларингизнинг азиз умри ва мол-мулкингизни асрарнинг муҳим шартидир.

**О. ЙЎЛДОШЕВ,**  
Фавқулодда вазиятлар бўйича туман бўлими профилактика ва назорат бўлинмаси катта инспектори, майор.  
**Б. ИСАҚОВ,**  
бўлинманинг кичик инспектори, 1-дара-жали сержант.

## АСР ВАБОСИДАН ОГОХ БЎЛАЙЛИК



бир ойдан кўпроқ вақт йўталиш, бир ойдан узоқ вақт давомида ҳеч қандай сабабсиз тана озиши, бир неча ҳафта мобайнида ич кетиши, лимфа тугунларининг катталашуви ва уларда оғриқ пайдо бўлиши каби белгилардан бирортаси пайдо бўлса, тезда шифокорга ёки ушбу пунктларга мурожаат қилиши лозим. Кузатилар натижаси шуни кўрсатадики, мазкур касалликка чалинган шахсларнинг кўпчилиги гиёхванд моддани томир орқали қабул қилувчилар экан. Демак, бу оғу мудхиш касалликнинг тарқалишида асосий восита бўлиб хизмат қиласи.

Хулоса қилиб айтганда, бу бедаво дарддан сақланиш, олдини олишнинг асосий шарти ҳалол-пок яшаш, ахлоқан тўғрилиқдир. Бу борадаги барча маълумотларни билиш, огох бўлиш қанчалар муҳимлигини унумаслигимиз керак.

**Алижон СИДДИҚОВ,**  
туман тиббиёт бирлашмаси  
Саломатлик ва стратегик ривожланиш бўлими мутахассиси.

**Расууллоҳ  
(с.а.в.)  
ҳадисларидан**



Дуо тушган ва ҳали тушмаган нарсаларга фойда беради. Эй Аллоҳнинг бандалари сизлар ўзингизга дуони лозим тутинг.

Ибн Умар (розияллоҳу анхумо)дан Ҳоким ривояти.

\*\*\*

Дунё—ҳовлиси ўйқа ҳовли ва моли ўйқа молдир. Уни эса ақли ўйқулар жамлайди.

Ҳазрат Ойша (розияллоҳу анхо)дан Аҳмад ривояти.

\*\*\*

Дунёнинг барчаси бир матоҳид. Дунёнинг энг яхши матоҳи солиҳа хотиндор.

Насойи ривояти.

\*\*\*

Аллоҳнинг зикри қалблар шифосидир.

Анас (розияллоҳу анху)дан Дайламий ривояти.

\*\*\*

Бир гуноҳ борки, мағфират қилинади. Яна бури борки, кечирилмайди. Яна бошқа бури борки, жазога тортади. Мағфират қилинадигани—ўзинг билан Раббинг ўртасидаги амалинг. Кечирилмайдигани—Аллоҳга ширк келтиришинг. Жазога тортадигани—биродарингга зулм қилганингдир.

Табароний ривояти.

\*\*\*

Дунёда иккюзламачи бўлган кишилар қиёмат кунидан оловдан бўлган икки юз билан келишади.

Сайд (розияллоҳу анху)дан Табароний ривояти.

\*\*\*

Болаларингиз ва қизларингизни никоҳланглар. Қизларингизни олтин ва кумуш ила безатинглар, турмушга рағбатлантириш учун уларга ҳадялар инъом қилиб, чиройли кийинтиринглар.

Ҳоким ривояти.

\*\*\*

Солиҳ туш Аллоҳдандир. Узук-юлуқ тушлар шайтондандир. Сизлардан қайси бирингиз ўзи ёқтирганидиган туш кўрса, уйғонганида чап томонига туфласин ва Аллоҳдан унинг ёмонлигидан паноҳ тиласин. Ана шундай қилса, зарар бера олмайди. Чунки шайтон менинг (Расууллоҳнинг) шаклимда ўзини кўрсата олмайди.

Абу Қатода ривояти.

“2002 ҳадис”дан.  
(Ҳадиси шарифларда одоб-ахлоқ зикри).  
“Мунир” нашриёти.  
Тошкент-2022 йил.

# Saboq bekati



Ахли дониш дейдиларки...

## ДОНО ОДАМНИНГ УЧ ХИСЛАТИ

Ҳар қандай доноликнинг замари—сабр-қаноат.

### АФЛОТУН

\*\*\*

Асл донишмандни энг зўр белги—унинг сабр-бардошидан билиш мумкин.

\*\*\*

Инсон донишмандлигининг энг олий даражаси—вазиятга мувофиқлаша билиш ва ташқи таҳдидларга қарамай, ўзини хотиржам тута олишдир.

### Д. ДЕФО

\*\*\*

Тафаккур буюк фазилатдир ва одамнинг донолиги ҳақиқатни айтишида, табиатга қулоқ солгани ҳолда унга мувофиқ ҳаракат

қилишидадир.

### ГЕРАКЛИТ

\*\*\*

Донолик—тажрибага эгизак.

### ЛЕОНАРДО Да ВИНЧИ

\*\*\*

Донолик акл билан қўлга киритилган, кузатиш ва тажриба билан ҳаётга татбиқ этилган ҳақиқатлар йиғиндиши, фикрларнинг турмушга ўйғунлашувидир.

### И. А. ГОНЧАРЕВ

\*\*\*

Донолик—билимаслиқдан қўрқмайди, иккиланиш, меҳнат, изланишдан чўчимайди, фақат бир нарсадан: ўзи билмаган нарсани бўламан, деб таъкидлашдан қўрқади.

Доно одамнинг хислати уч нар-

сада намоён бўлади: биринчиси, бошқаларга берган маслаҳатига ўзи амал қиласди, иккинчиси, њеч қаҷон ҳақиқатга қарши бормайди ва учинчиси, ўз атрофидаги одамларнинг нуқсонларига сабр-тоқат билан чидайди.

### Л. Н. ТОЛСТОЙ

\*\*\*

Оддий нарсада мўъжизавий сифатни кўра олиш лаёқати, шаксиз, донолик аломатидир.

### Р. ЭМЕРСОН

“Тафаккур гулшани”дан олинди.

Faфур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент-1989 йил.

### Кўхна Шарқ даргалари



Улугбек 1394 йили Ҳиротда түғилади. Тўрт ёшидан бошлаб унинг тарбияси билан бувиси Сароймұлкхоним ва бобоси Амир Темур шуғулланадилар. Шоиртабиат, билимдон, ривоятгўй Ҳамза бинни Али Тусий (Хўжа Ориф Озарий) шаҳзоданинг хизматига тайинланади. У ёш Улугбекнинг тарбияси билан жиддий шуғулланади, адабиёт, тарих билан боғлиқ нақллар, ривоятларни қироат қиласди. Ҳатто Амир Темур севимли неварасини сафарларда, юришларда ҳам бирга олиб юрган. Сайд Шариф Жўржо.

Солиҳ туш Аллоҳдандир. Узук-юлуқ тушлар шайтондандир. Сизлардан қайси бирингиз ўзи ёқтирганидиган туш кўрса, уйғонганида чап томонига туфласин ва Аллоҳдан унинг ёмонлигидан паноҳ тиласин. Ана шундай қилса, зарар бера олмайди. Чунки шайтон менинг (Расууллоҳнинг) шаклимда ўзини кўрсата олмайди.

Абу Қатода ривояти.

“2002 ҳадис”дан.  
(Ҳадиси шарифларда одоб-ахлоқ зикри).  
“Мунир” нашриёти.  
Тошкент-2022 йил.

### Билиб қўйган маъқум

Бу суюриладиган ерларда ўсадиган ўсимлик уруғи бўлиб, арпабодиён уруғига ўхшайди. Лекин ундан узунроқ ва ингичароқ, ранги қора ва ҳиди аччиқ, гули сарифу оққа мойилроқ ва шунингдек, бинафшаранги ҳам бўлади. Барги учдор, узунчок, уруғи филоф ичидаги қўйиб боғланади. Куввати еттийилгача сакланади.

Мизожи иккинчи даражада қуруқ ва иссик.

### Унинг шифобахшлик хислатлари

Кераксиз рутубатларни пиширувчи ва уларни ташқарига ҳайдашга тайёрловчи ҳисобланади. Шунингдек, ички аъзларни покловчи ҳамдир. Буни ейилса ва қўйиб боғлансан соvuқ мизожлий ўтгалини ҳамда қайт қилишни тўхтатади. Кўйрак қафасининг ички аъзолари, сарик қасаллиги, юракнинг бехузур бўлиши, талоқ ҳасталиклари ва бодли қўланжга даво бўлади. Буни ҳар куни наҳорда оч қоринга еб турисла, рангни қизартиради, юзни мусаффо қиласди, сирка билан ейилса меъдадаги барча турдаги қуртларни ташқарига ҳайдайди. Унинг 4,5-10,5

## МИРЗО УЛУҒБЕК

шоғирди, “Ўз замонасининг Птоломей” таникли ма-тематик ва астроном Али Қушчи, ма-тематик ва астро-номлар Мансур Коший, Али ибн Муҳаммад Биржандий, Мирам Чалабий, 1416 йили астрономик асбоблар ҳақида рисола ёзган Фиёсiddин Жамшид, Муҳаммад ибни Умар Ҷағманий каби олимлар жамланган эдилар.

Улугбек ана шу олимлар маслаҳати, кенгаши ҳамкорлигида математика, астрономия, геометрия каби фанларга доир тадқиқотлар олиб боради. Самарқанд шаҳри атрофидаги Обираҳмат сойи ёқасида расадхона қурдиради. Унга дастлаб Фиёсiddин Жамшид, кейин Қозизода Румий, Али Қушчилар мудирлик қилишган. Расадхона атрофидаги Обираҳмат сойи ёқасида расадхона қурдиради. Унда дастлаб Фиёсiddин Жамшид, кейин Қозизода Румий, Али Қушчилар мудирлик қилишган. Расадхона бинолар, гузал боғу-роғлар барпо эттиради. Уч қаватдан иборат бўлган бу расадхонанинг баландлиги 50 метр бўлган. Унда Фиёсiddин Жамшид устурлоб ёрдамида осмоний жисмларни кузатган, 1018 та юлдузнинг мувозанати аниқланган. Расадхонада

олиб борилган кузатишлари натижасида Улугбек 1437 йили “Зижи Қўрагоний” рисоласини ёзib тугатади.

Улугбек илмий кузатишлар олиб бориш ва мадрасада фалакиёт илмидан въз айтиш билан бирга маданий ишларга ҳам жиддий эътибор беради, кўплаб мадраса, хонақоҳ, масжид, карвонсарайлар қурдиради. Олдинроқ қурила бошланган Бибихоним масжиди, Гўри Амир мақбараси, Шоҳизинда ансамблини ниҳоясига етказади. Буюк олим ўғли Абдулатифнинг ихтиёри билан 1449 йили ёлланган қотил Аббос томонидан ўлдирилади.

Улуг кишилар, даҳолар жисман ўлсаларда, лекин уларнинг номи ўз асарларидан мангу қолади. Улар ёқсан маърифат чироғи, илим зиёси халқ йўлини ёритиб боради, авлоддан авлодга ўтиб, тараққийпарвар инсониятга хизмат қилаверади.

“Кўхна Шарқ даргалари”дан.

“Шарқ” нашриёт-матбаа концерни бош таҳририяти. Тошкент-1999 йил.

## СЕДАНА

граммимили илиқ сув билан ейилса, кутурган ит қопганига даво ва асал билан ейилса, нотўри нафас олиши даф қиласди, қоражигар ва қовуқдаги тошларни майдалаб тўқиб юборади, эски иситмаларга шифо бағишлиайди.

Седанани ҳидланса ёки латтага ўраб, бир кеча-кундуз сиркада ивтилганини эзғилаб, эрта тонгда бурунга томизилса, совуқдан бўлган бош оғриғини қолдириб, бурун битишининг олдини олади. Уни илитиб бошга боғланса, тумовни даф қиласди, сувда қайнатиб, ўша сувга сирка кўшиб, ушбу аралашмада оғиз чайилса, совуқдан бўлган тиш оғриғини босади. Унинг туйилганини узум сиркаси билан хамир боғланса, сўгальлар, теридаги хол ва оқ дөгларни йўқотади.

“Шарқ табобати” журналидан.

